

Президент Шавкат Мирзиёев Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди



Мамлакатимизда Умумхалқ байрами – Хотира ва кадрлаш куни катта кўтаринкилик билан нишонланмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар йиғилган. Маҳзун мусиқа янграйди.

Соат 8:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, ҳукумат аъзолари, жамоат ташкилотлари томонидан Мотамсаро она ҳайкалига гуллар қўйилди.

[ЎЗА](#)